



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 24 август, шанба

№ 67 (11.455)

Эркин нарҳда сотилади

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23 август куни Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий кўмондонлиги бош кўмондони Томми Фрэнксни қабул қилди.

Яқинда халқаро аксилтеррор операцияси бошланганига бир йил тўлади. Бу муддат ичида халқаро коалиция Афғонистонда катта муваффақиятларга эришди. Айни кунларда қўшни юртда давлатчиликни янгидан шакллантириш, халқ хўжалигини тиклаш, мамлакатни тинч ҳаётга қайтариш борасида сезиларли ўзгаришларни кузатиш

мумкин. Албатта, бу хайрли ўзгаришларда Ўзбекистоннинг халқаро аксилтеррор коалициясига кўрсатаётган ёрдами муҳим омил бўлмоқда.

Бу – генерал Томми Фрэнкснинг мазкур операция бошланганидан буён ўтган вақт ичида тўртинчи бор Ўзбекистонга келиши. Президент Ислам Каримов, меҳмонни юртимизга ташрифи

билан кутлар экан, Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари ҳар соҳада жадал ривожланаётгани, ишончли мулоқотлар кўпаяётганини мамнуният билан таъкидлади.

Учрашувда Афғонистондаги вазият, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш, икки мамлакат ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга доир масалалар муҳома қилинди.

(ЎЗА).

## "Олтин ҳумо" Ғолибларни кўтмоқда

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Олтин ҳумо" мукофоти тақдироти бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ушбу мукофотга мамлакатимизнинг барча профессионал эстрада жамоалари, яққол хонандалар, бастакор ва шoirлар, саҳналаштирувчи режиссёрлар, аранжировка усталари, овоз ёзиш режиссёрлари, эстрада соҳасида ижод қилаётган рассом-модельерлар, шунингдек, ўзбекча, қорақалпоқча қўшиқлар ижро этувчи чет эллик хонандалар,

бастакор ва шoirлар даъвогар бўлиши мумкин.

Мукофотлар 12 номинация бўйича берилди. Ҳозиргача олтиндан зиёд даъвогардан ҳужжатлар қабул қилинди.

Ғолибларни тақдирлаш маросими шу йилнинг 15 сентябрига мўлжалланган.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.

## Mustaqillikning 1 yilligiga


## Эл назарига тушганлар

Эл меҳрини қозониш, халқнинг назарига тушиб, ундан бир қадам олдинда юриш ҳам катта бахт ҳисобланади. Ҳўш, ўша бахт, ана шундай ҳурмат ва эҳтиромга қандай эришиш мумкин? Бу саволга куни кеча «Ўзбекистон» нашриёти томонидан кўп нусхада чоп этилган «Мустақиллик фидойилари» китобидан жавоб олса бўлади.

Мазкур тўпламда вилоятимиздаги бунёдкорлик ишларини амалга ошириш борасида фидокорлик намуналарини кўрсатиб, истиқлолимиз, истиқболимиз абадиятига муносиб улуш қўшаётган вилоятимиз вакиллари ҳақидаги муҳтасар ҳикоялар жамланган. Китобни varaқлар экансиз, кўнглингизда фахр-ифтихор туйғулари жўш ура бошлайди. Унинг саҳифаларида номлари битилган қаҳрамонларнинг айримлари ҳурматли юртбошимизнинг назарига тушган, у кишининг кўлларида қаҳрамонлик нишонларини олган Ўзбекистон Қаҳрамонлари Тожибой Ризаев, Жонсаид Турдиев, етуқ, бообрў раҳбарлар Эргаш Ниёзов, Александр Фармонов, Жўрабой Миралимов, ардоқли халқ ҳофизи Очил Отахоновдан тортиб, тўйтепалик жажжи қизалоқ, иқтидорли шоира Рухсора Тўлабоевагача, шунингдек, юртимиз ардоғида юрган 23 нафар ҳамюртларимиз ҳамма-ҳаммалари ҳавас қилса, ўрناق олса арзийдиган инсонлардир.

Бу китобга ёзилган «Ибрат эгалари» номли сўзбошида «...обрў осмондан тушмайди, бахт ерда кўкармайди. Одам бу дунёда назар-этибор топса, ҳалол меҳнатидан, илму ҳикматидан, хуш-фeyльлигидан топади. Кўлингиздаги мазкур китобнинг «Мустақиллик фидойилари» деб номланиши бежиз эмас. Тошкент вилояти мустақиллик йилларида саноати, қишлоқ хўжалиги, маданияти, хуллас, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда ривож топаётган вилоятдир» дейилганида бир олам мазмун бор.

Шу ўринда ушбу китобнинг чоп этилишига бевосита бош-қош бўлган Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ви-



лоят бўлими ҳамда бошқа ижодий жамоаларнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Зеро, «Мустақиллик фидойилари» китобининг яна бир алоҳида фазилати шундаки, у кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, қадимий ва ҳамиша навқирон Тошкент вилоятининг такрорланмас сўлим табияти, боғу роғлари, иқтисодий имкониятлари ҳақида сўз юритилади, улар ҳақидаги тасаввуримизни бойитади. Муҳими, фидокорона меҳнат қилиб, ўлкаимизнинг гуллаб-ашнашига муносиб улуш қўшаётган иқтидорли кишилар ҳаёти, фаолияти, қувонч ва ташвишлари ўзига хос тарзда фахр ва ифтихор билан қаламга олинган.

Уларнинг ҳар бири қалбимизга яқин, меҳнатсевар, дилкаш, элу юрт юкини елкасида ортмоқлаб юрадиган ватанпарвар фидойи инсонлардир. Мазкур китоб ёшларимизни оталари изидан бориб, мамлакатимизга, вилоятимизга, истиқлолимизга беминнат хизмат қилишга ундайди, деб ўйлаймиз.

риш, туман ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшиб келаётган кекса авлод вакиллари тажрибаси ҳақида сўз борди.

Тадбирда туман байналминал кенгашининг раиси Ашир Кўсаев, Тўйтепа шаҳри Муқимий маҳалла кўмитаси раиси Восиқ Қосимов ва бошқа нуроний отахонлар сўзга чиқдилар.

Ўз мухбиримиз.

## ВИЛОЯТ ҲОЗИРЛАНМОҚДА

Ҳар бир кун бизни энг улуг – энг азиз байрам, Мустақиллик айёмига яқинлаштирмоқда. Ҳамма жойда бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам уни муносиб нишонлаш учун қизгин ҳозирлик кўрилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, улуг айёмга тайёргарлик ҳар бир туман ва шаҳарда ўзига хос кўриниш касб этмоқда. Энг муҳими айём тантаналаридан ҳеч ким четда қолмайди. Зеро, истиқлол – умумхалқ байрами. Вилоятимиз ҳудудида яшаб, меҳнат қилаётган юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ҳам энг улуг айёмидир. Шунинг учун шаҳар ва туманлардаги байналминал марказларда алақачон бошланиб кетган тантаналарнинг бош мавзуси – тинчлик, тотувлик, дўстлик, ҳамжихатликка, истиқболли келажакимизга бағишланмоқда.

Биз вилоятда мустақиллигимизнинг 11 йиллигига тайёргарликнинг бориши ҳақида гапирар эканмиз, унинг кўламини ниятда кенг ва ранг-баранг эканлигини айтиб ўтишимиз керак. Айниқса, байрам муносабати билан белгиланган маданий, маърифий, маънавий тадбирлар ҳаммага манзур бўлиши аниқ. Чунки, шу кунларда жойлардаги бадиий ҳаваскорлик жамоаларидан бошлаб таниқли санъаткорларгача хизматга бел боғлашган. Шаҳар ва туман марказларида ташкил этилаётган савдо расталари, мева-сабзавот ярмаркалари ҳам алақачон эл дастурхонини беэмомоқда.

Ун бир йилликнинг биз учун ўзига хос яна бир жиҳати шаҳар ва туманларда ўтказилаётган ободончилик ойликлари, умумхалқ хашарларидир. Уларда иштирок этаётган ишчи хизматчилар, зиёлилар, шаҳар, қишлоқ, маҳаллалар фуқаролари ўз худудларининг сарамжон-сарийшталиги учун жон куйдирмоқдалар. Тўйга муносиб тўёна бўлаётган ишлаб чиқаришдаги натижалар ҳам

ғоятда салмоқли. Ўтган бир йил ичида вилоятимиз саноат корхоналарида бир қатор янги маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 1700 дан ортиқ ўрта ва кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик корхоналари иш бошлади. Кўплаб янги ишчи ўринлари барпо этилди.

Мустақиллик сўзсиз халқимизнинг яна бир хислатини йилдан-йилга яққолроқ намоийш этмоқда. Бу унинг бунёдкорлик фазилатидир. Узоққа бормайлик Тошкент вилоятининг ўзидагина истиқлол байрами арафасида 140дан ортиқ турли тоифадаги янги иншоотлар, маданий-маиший бинолар, маҳалла гузарлари, мактаб ва соғлиқни сақлаш муассасалари фойдаланишга топширилмоқда. Бунга Олмалик шаҳридаги 750 ўринли қурилиш ва механизациялаштириш касбхона коллежи, Ангрендаги супермаркет дўкони, Паркент туманидаги қариялар боғи, Юқоричирчиқ туманидаги мактаб ва қишлоқ врачлик пунктлари, Зангиотадаги музқаймоқ корхонаси, оталар чойхонаси сингари кўплаб объектлар мисол бўла олади. Шу бир йил ичида вилоят ҳудудида 43,3 километр масофага табиий газ, 10 километрдан ортиқ ичимлик суви тармоқлари тортилганлиги ҳам эътиборга лойиқ рақамлар, албатта.

Шаҳар ва туманларда амалга оширилаётган бундай кўламли ишлар тўғрисида кўп гапириб мумкин. Энг муҳими, уларни амалга оширишда барча муносиб ҳисса қўшмоқда. Истиқлолнинг қанчалик қадрли ва азиз эканлигини тушуниб етмоқда. У берган имкониятлардан самарали фойдалана билмоқда.

Вилоят халқи ўзининг энг катта, энг улуг – энг азиз байрамига ана шундай ҳозирлик кўрмоқда.

## МАРКАЗДА МУЛОҚОТ

Ўртачирчиқ тумани Қозоқ миллий маданий марказида Истиқлол байрамига бағишланган давра сўхбати ўтказилди.

Туман ташкилот ва муассасаларидаги 30 дан ортиқ миллат вакиллари қатнашган ушбу тад-

бирда, мустақиллик йилларида миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини оши-

Олий Мажлис сессияси олдидан

# ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

**29 август кун**и Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси бошланади. Сессияда мустақиллигимизни янада мустақкамлаш, халқимиз турмуш фарвонлигини юксалтиришга қаратилган муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамда маънавий аҳамиятга молик қонунлар қабул қилинади.

Мамлакатимиз парламенти томонидан қабул қилинадиган ушбу қонунлар олий-ҳалари икки сессия оралигида тегишли кўмита ва комиссияларда тайёрланиб, ҳозир маромига етказилмоқда.

Олий Мажлисининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасида ҳам сессиялар оралигида қонунчилик соҳасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Биз Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясидан кейин ўтган давр мобайнида қабул қилган қонунлар ва қонун ости ҳужжатларини янада такомиллаштириш, бугунги кун талаби ҳамда халқаро меъёрларга мослиги, самарали қўлланиши бора-сида муайян ишларни амалга оширдик, - деди мазкур қўмита раиси Искандар Қаландаров. - 1996 йилнинг 30 августидан қабул қилинган "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳриридаги лойиҳасини тўққизинчи сессия муҳокамасига кўйиш назарда тутилмоқда.

Ушбу Қонуннинг янги лойиҳасида селекция ютуқла-

рини рўйхатга олиш тартибларини соддалаштириш, ихчамлаштириш ва муддатлари халқаро меъёрларга мослаштирилган. Уни ҳимоялаш ҳуқуқлари, патент олиш тартиби, айрим тушунчалар ва ҳужжатлар ҳам халқаро талабларга мос.

Апрель ойида Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси ва "Ўздонмаҳсулот" давлат акционерлик компаниясида "Уруғчилик тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси ўрганилди. Уни ўрганиш жараёнида юқоридаги ташкилотларда муайян ишлар амалга оширилгани маълум бўлди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан бу борада тегишли қарор қабул қилинган ва шу қарорга мувофиқ вазирлик уруғчилик соҳасидаги сиёсатни юргизишда ягона назорат қилувчи орган этиб белгиланган, дастур ишлаб чиқилган ва уни бажариш юзасидан ишчи комиссияси тузилган.

Депутатлар ишчи гуруҳи "Наслчилик тўғрисида"ги Қонуннинг Тошкент вилоятидаги ижросини ўрганиш жараёнида бир қанча масалаларга, хусусан, вилоят чорва наслчилиги салмоқли ўрин эгаллаётгани,

пойтахт шаҳрини сифатли ва етарли миқдорда гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашдаги мавқеига эътиборни қаратди.

Вилоятда парранданинг янги наслларини яратиш ва балиқчилик соҳасида ҳам маълум даражада ижобий ишлар амалга оширилишига эришилган. Шу билан бирга қонун ижросининг таъминлашида камчиликларга йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонун талабларига бинан зотли моллар генофондини сақлаб қолиш чоралари, четга сотиш, асоссиз чиқим қилиш тақиқланган бўлса ҳам, бундай ҳоллар ҳамон давом этаётгани ташвишли деб баҳоланди. Насли моллар маҳсулдорлиги ортамаътанлиги уларнинг озуқа базаси етарли даражада эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Озуқа учун ажратилган экин майдонларидан самарасиз фойдаланилаётгани кечирилмас бир ҳол экани таъкидланди.

Қабул қилинган қарорда мутасадди давлат назорат органларининг иш фаолиятларини қонун ижроси назорати бўйича кучайтириш масаласи кескин қўйилди. Бу борада тегишли чора ва тадбирлар ишлаб чиқиш ва унга амал қилиш юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарларига топшириқлар берилди.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**  
ЎЗА мухбири.

## Қайта ишловчилар мавсумга шай

Тошкент вилояти "Пахтасаноат" бирлашмаси тизимидаги қайта ишлаш корхоналари 2002 йил пахта ҳосилини қабул қилишга тайёрлаб қўйилди.

Бирлашма мутасаддиларининг ЎЗА мухбирига маълум қилишича, мавжуд 12та пахта тозалаш корхонаси тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Ишлаб чиқариш қувватини ошириш, тайёр маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида Оққўрғон ва Чиноздаги корхоналарда замонавий ускуналар монтаж қилинмоқда.

Пахта тозалаш корхоналарига қарашли 43 та қабул пункти ҳам хомашёни қабул қилишга тайёр. Тайёрлов лабораториялари давлат стандартидан ўтказилди. Қайта ишлаш корхоналари ва қабул пунктларида ёнгина қарши чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Мавсумда 21та ширкат ҳамда 372 та фермер ҳўжалиги билан 40 минг 680 тонна пахта хомашёси қабул қилиб олиш учун шартнома тузганмиз, - дейди Бўка пахта тозалаш корхонаси бош муҳандиси Ихтиёр Солихов.

Пойтахт вилояти пахта саноатчилари мавсум давомида ҳўжаликлардан 275 минг тонна хомашё қабул қилиб олади.

## Пахта - 2002



## ЖУЯКЛАРДА ҲОСИЛ СУВИ ОҚМОҚДА

ЎРТАЧИРЧИК туманидаги «Янги турмуш» ширкат ҳўжалиги бу йил 443 гектар майдонда пахта етиштирмоқда. Икки йилдирки, улар «Наманган-77» гўза навини маъқул кўришяпти. Табиийки, кўкламги ноқулай об-ҳаво бу ҳўжаликнинг ҳам бир қатор майдонлардаги гўзаларига зиён етказди. Оқибатда кўчат қалинлиги меъёрдагидан бироз сийрак бўлиб қолди. Бироқ ҳўжалик раҳбарлари ва мутахассислари бунинг ўрнини тўлдирish учун мавжуд ички имкониётларни тўлиқ ишга солишга ҳаракат қилдилар. Шунини айтиш керакки, бу йилги шароитда кўп ва бўлиқ ҳосил тўплаш мақсадида кўшимча ўғит берилди, ишлов кучайтирилди. Талабга

қараб, айрим карталарга сўнгги сув шарбат усулида таралди.

Берилган маъданли ўғитларни гўза тўлиқ ўзлаштиришини таъминлаш мақсадида сўғориш технологияси ўзгартирилди. Биринчидан, ўқариқларни кўпайтириш ҳисобига эгитларнинг узунлиги қисқартирилиб, захлати эмас, енгил сўғорилди. Бунинг учун сувчилар сони кўпайтирилди ва кечаю-кундуз сўғориш йўлга қўйилди.

**СУРАТДА:** ҳўжалик бош мистри Умаржон Умрзоқов (ўнгдан иккинчи) сўнгги карталарга оби-ҳаёт тараётган сувчиларнинг ишини назорат қилмоқда.

**Александр МАЛЬЦЕВ**  
олган сурат.

## МУНОСИБ ТУҲФА

Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида "Ўзбекистон миллий энциклопедияси"нинг III жилди кенг ўқувчилар оммасига туҳфа этилди.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг III-жилдида 4100 мақола жамланган бўлиб, умумий ҳажми қарийб 120 наشريёт-ҳисоб табоғини ташкил этади.

Уларни тайёрлашда гоёвий-услубий жиҳатдан 1- ва 2-жилдлар йўналишларига қатъий риоя этилди. Мана шу принцип жилдининг умумий сўзлигини тузишда, танланган мезонга, мақола-лар схемасига, атамаларга нисбатан ёндошувда ҳам кўзга ташланган.

Айни вақтда, нашр этилган I ва II жилд юзасидан матбуотда билдирилган мулоҳазалар, китобхонларнинг таклиф ва истаклари эътиборга олинди.

III жилдда "Г", қисман "Д" ҳарфларида табиий ва техника фанларига доир тушунча ва терминлар кўп сонни ташкил қилган

бўлса, "Е", "Ё", "Ж", "З" ҳарфларида маҳаллий материаллар 60 фоизни, умумбашарий материаллар 40 фоизни ташкил этди.

ЎзМЭ учинчи жилди мақола-лари мазмунининг асосий йўналиши, тасдиқланган умумий концепция талабларига бинан, Ўзбекистонни, кўпроқ унинг тарихи, адабиёти, санъати, қадриятлари, ислом дини тушунчаларига қаратилди. Хусусан, тарих фанлари соҳасидан 480, маданият ва санъат соҳасидан 422, тил ва адабиётдан 270, фалсафа, сиёсатшунослик, дин тарихидан 200 дан зиёд мақола берилди.

3-жилдда иқтисодий соҳасида ҳам кўплаб мақолалар ўрин олди. Уларнинг аксарияти энциклопедия саҳифаларида биринчи бор эълон қилинишидир. (ЎЗА).

## ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР ТАҚДИМОТИ

Халқ таълими вазирлиги Осиё тараққиёт банки лойиҳаси доирасида ўрта мактаблар учун давлат таълим стандартлари ва замонавий дизайн талабларига мос дарсликларнинг янги туркумини нашр эта бошлади.

Ўтказилган танлов натижасида дарсликларнинг мазмуни, нашр сифати анча такомиллаштирилди. Бу ишга салоҳиятли мутахассислар, олим ва ўқитувчилар жалб этилгани ўз самарасини берди.

Республика Таълим марказида 2002-2003 ўқув йилида умумтаълим мактаблари учун танлов асосида яратилган ана шундай дарсликларнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда янги дарслик яратиш бўйича илк бор шундай танлов ўтказилди, - деди Республика таълим маркази директор ўринбосари Моҳира Солихова ЎЗА мухбирига. - Дарслик яратиш жараёнида нашриёт, муаллиф ва

босмахона ҳамкорликда иш олиб борди. Танловда 24 нашриёт, шу жумладан, бешта хорижий нашриёт қатнашди. Унда ҳар бир ўқув фани бўйича бир нечтадан дарслик "рақобатлашди".

Дарсликлар билан бир қаторда энг яши методик қўлланмалар танлови ҳам ўтказилди. Режада дарслик ва қўлланмалар нархи 900 сўм белгиланган бўлса-да, рақобат ва танлов орқали бу миқдор 800 сўмга туширилди.

Халқ таълими вазирлиги бюджет маблағлари ҳисобига ташкил этган танловда 13 номдаги дарслик ва ўқитувчилар учун методик қўлланма голиб топилди.

## «ЁШЛАР ВА ЖАМИЯТНИНГ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИ»

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги "Семурғ" оромгоҳида ўқувчиларнинг ана шундай мавзуда анъанавий VI халқаро лагери иш бошланди.

ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясининг 2002 йилга мўлжалланган тадбирлари режасига мувофиқ, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда ЮНЕСКО ҳамкорлигида ташкил этган мазкур халқаро оромгоҳда мамлакатимизнинг турли гушаларидан, Марказий Осиё давлатлари ҳамда Озарбойжон ва Жанубий Кореядан келган икки юзга яқин ўқувчи ёзги таътилини ўтказмоқда.

Оромгоҳда дам олаётган бо-

лаларнинг аксари мамлакатимиз ва Марказий Осиёдаги ЮНЕСКО мактаблари ўқувчилари, мазкур халқаро ташкилот тарғиб қилаётган "Тинчлик маданияти"нинг ёш намояндаларидир. Ҳозир мамлакатимизда ЮНЕСКО мактаблари сони ўн бешга етган. Асосан шундай мактаблар ўқувчилари жалб этиладиган халқаро лагерлар эса ҳозирча дунёнинг атиги олти мамлакати, жумладан, Ўзбекистонда мавжуд.

ЎЗА.

## ҚИБРАЙДА ШИФО МАСКАНИ

Қибрай тумани марказида "Она ва бола" соғломлаштириш мажмуаси бунёд этилмоқда.

Бу ерда бир йўла 120 нафар она ўз фарзанди билан довланиш имконига эга. Шу билан бирга, ушбу шифо масканида туғиш ёшидаги аёллар тиббий текширувдан ўтказилади.

Барча қулайликларга эга

бўлган тиббий муассаса мамлакатимиз мустақиллигининг ўн бир йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилди.

**Л. СУВОНОВ,**  
ЎЗА мухбири.

**Маънавият кенг қамровга эга бўлган, ҳатто бутун борлиқни ўзида ифода қиладиган кўп қиррали тушунча, шундай эмасми?**

«Маънавият инсоннинг ички дунёсини, руҳий олами ифода қиладиган, унинг шахс сифатида шаклланишида энг асосий номоддий озукадир» деган хулосалар ҳам бор. Бир қараганда, бундай таъриф-таъриф ҳақиқатнинг «негизи»дай бўлиб кўринади.

Бизнингча, ана шу даврда мустақиллик даври «маънавият» атамасини янгидан кашф қилди, халқимизнинг «пўланак» босиб ётган онгу шуурини, қалбини мусаффо руҳий озук билан тўлдирди борди, тозалай бошлади. Мустақиллик кишилар қалбига мусаффо ҳаво, уйғоқлик, ўзликни англаш каби маънавиятнинг асл ўзақларини коммунистик мафкура ўрамларидан «юлиб олиб» эгасига қайтарди.

Қайтарилган маънавият сўзининг моҳияти қалбларга бориб етди, бизнинг кимлигимиз, авлод-аждоғларимизнинг ким бўлганини, бундан кейинги авлод тақдири қандай бўлишини юракдан ҳис қилдикми? Мустақиллик маънавиятининг бутун борлигини англаб етдикми? Бунинг учун кўп иш қилиш керак, ҳали.

Мустақилликдан олдинги фикр-мулоҳазалар билан ҳозирги замон кишининг фикр-мулоҳазасини бир муқояса қилиб кўринг, олам-олам фарқни англайсиз. Азбаройи мустақиллик ўзбекининг дунёқарашини, Ватанига, халқига бўлган муносабатини ўзгартириб юборди. «Могори чиққан» сўзлар ўрнига дунёвий қимматга эга, ўзбекининг ўзбеклигини тан олинисига сабабчи сўзлар, тушунчалар кириб келмоқда.

Яқинда бир кўрик-танловда маънавият ўқитувчисига «Толерантлик нима?» деган савол тушди. Ҳайъат аъзоларидан бири бу иборадан беҳабар бўлса, эҳтимол.

— Ия, саволда адашилмадимми? — деди у секингина...

Эндигина оғиз жуфтлаган ҳам эдикки, жавоб янгради:

— Толерантлик — умумбашарий тушунча бўлиб, диний бағрикенглик, деган жавобни англади. Ҳозирги мустақил Ўзбекистонимизда диннинг ўз ўрни бор, унинг ривожланиши учун (албатта, яхши томонга) ҳеч қандай тазйиқ йўқ, динлараро инсоний алоқалар, маънавиятни поклан ва созлаш борасида ўзаро яқдилликка кенг йўл очил-

## Мустақиллик ва маънавият

# ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

ган. Ҳайъат аъзолари бир овоздан «5» балли кўрсатдилар.

Дарҳақиқат, мустақилликдан олдин маънавий бисотимизда «толерантлик», билан бирга «ақида-парастлик», «диний оқимлар», «вахобийлик», «ҳизбут-тахрир», «толибон» деган «қўрқинчи атамалар» йўқ эди. Ҳақиқат, ўргандик, уларнинг ният-мақсадларини англаб етдик. Эндилликда бу тушунчалар ҳақида иккиланмай, аниқ-пухта жавоб бера оламиз. Мустақиллик — шундай тушунчалар ва улар ортида газандалар «ғужғон» эканлигини фош этди, қарши кураш йўлларини — жоҳилликка оқиллик билан курашиш лозим эканлигини тушунтирди. Бир кун, албатта, уларнинг «портлаши» аниқ эди. Мустақиллик муддатидан олдин уларнинг ёпинчигини «юлиб» ташлади, улар парчаланиб кетди. Ҳақиқат, оғоҳлик, уйғоқлик зарурият экан.

Мустақиллик. Беруний бобонинг Ҳиндистонни ўн йил кезиб, «Минераллар» китобини ёзганлигини, денгизнинг нариги томонида Америка қитъаси борлигини

аниқ-тиниқ чизиб ва белгилаб берганлигини, Форобийнинг «Илмий коммунизмдан олдин» «Фозил одамлар шаҳри» асариде «шоҳона мамлакат» ва унинг фуқаролари кўркам яшашини ёзиб кетганлигини, Нажмиддин Кубронинг Ватани бекіёс севганини ва шу йўлда мўғуллар қўлида мардларча ҳалок бўлганлигини, Замахшарийдек имомикалоннинг ногирон оёғи билан бутун мусулмон оламини кезиб чиққанини ва ниҳоят, Ўзбекистон Фарб билан Шарқни боғлаб турувчи қудратли кўприк эканлигини жаҳонга танитди.

Америка газеталаридан бирида Президент Ислом Каримов: «Ўзбекистон билан Япония ўртасида мустақам дўстлик кўприги қурилмоқда» деб ёзган эди. Узингиз ўйланг, бу гаплар мустақиллик маънавиятини бойитмайдими, ўзбекининг асли ким эканлигини дунё халқларига танитмайдими? Япония телевидениеси орқали эшиттириш кетаётган пайдада Ўзбекистон жойлашган ҳудуднинг кўрсатилиши, катта ҳурмат белгиси, айниқса, жаҳоншумул воқеа

бўлди. Ўзбекка ва унинг Президентига таъзим баҳо келтирилиши бекорга эмас. Унинг жуда катта маънавий салоҳиятга эга эканлигини тан олиш ҳамдир. АҚШда 11 сентябрда содир этилган мудҳиш ҳодисадан сўнг, бутун дунё Ўзбекистон халқи ва унинг Юртбошиси кенг маънода маънавияти пок, тинчликпарвар, ўзгалар гамига бефарқ қарамайдиган меҳрибон инсонлар эканлигини қайта-қайта тан олди. Чунки, Ўзбекистон стратегик аҳамиятга мос бўлган давлат эканлиги аён. 20 йилдан кўпроқ вақт ўтгач, Афғонистонда ур-сурларга барҳам берилди. Афғон халқига давлатлар Ўзбекистон тупроғидан дунёнинг турли томонларидан инсонпарварлик ёрдами келиб турадиган маконни топдилар. Ёки буюқ маънавият ва билим эгаси, узоқни кўра билган инсонгина тинчлик масаласи долзарб эканлигини юксак минбардан туриб айта олади. Биринчи бўлиб Юртбошимиз Ислом Каримов БМТ 48, 50-сессияси минбарларидан, Туркияда бўлиб ўтган катта саммитда Афғонистон муаммосини ҳал қилиш, қурол-яроғ олди-сотти қиладиган ҳудудга айлантиришга барҳам бериш хусусида «ёниб» гапирган эди. Унинг узоқни кўриб айтган сўзлари ўз ижобатини топди, террорчиларнинг илдинизини батамом йўқотишга АҚШ бошчилигидаги дунё давлатлари бел боғлади, кураш кетаяпти, хур фикрлар устунлиги яққол сезилмоқда. Ҳозир Ўзбекистон икки давлат — АҚШ, Япония билан стратегик иқтисодий алоқага имзо чеқди.

Мустақилликдан аввал, очиқ-ойдин фикр-мулоҳазалар билдириш нақадар мушкул бўлганлиги барчага аён.

Мустақиллик маънавияти деганда бир соҳани тушунмаслик керак. У иқтисодий, сиёсий, ижтимоий масалаларни ҳам қамраб олади.

Янги фикрлар, янги ҳисага бунёдкорлик ишларини амалга ошираёلمиз. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун ёшларимизни янги маънавиятга, билимга эга бўлишлари учун мустақам замин яратиб берган. Биргина янги тилдаги лицей ва коллежларда 150 мингдан зиёд ўқувчи замонавий фан сирларини, хориж технологиясини амалиётга татбиқ қилиш йўлларини ўрганмоқда. Шубҳасиз, бу ҳам мустақиллик маънавиятининг қамрови янада кенгайиб боришига хизмат қилад.

**Солижон БОЙМАТОВ,**  
фалсафа фанлари  
номзоди.

## Тадбир

### БИРИНЧИ КЎНҒИРОҚ АРАФАСИДА

**Қуйчириқ туманидаги «Қўрғонча» касб-ҳунар коллежида халқ таълими соҳаси вакилларининг август конференцияси бўлиб ўтди.**

Янги ўқув йили олдиндан ўтказиладиган ушбу анъанавий анжуманга тумандаги ҳамма мактаблардан, таълим-тарбия муассасаларидан илғор ўқитувчи ва тарбиячилар таклиф этилди.

Туман ҳокими Жаҳонгир Файзиев конференцияни очиб, барча ўқитувчи, мураббий ва тарбиячиларни, аввало истиқлолнинг ўн бир йиллиги байрами ҳамда янги ўқув йилининг бошланиши билан табриқлади. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида таълим-тарбия соҳасида эришилган ютуқлар, навбатдаги муҳим вазифалар ҳақида гапирди. Сўнгра ўқитувчи ва тарбиячиларга туман ҳокимлиги томонидан тайёрланган байрам сўзларини топширди. Шунингдек, тумандаги бир қатор хўжалик вакиллари конференция иштирокчиларига ўз сўзларини тақдим этди.

Шундан сўнг анжуман қатнашчилари дастурхонга таклиф этилиб, ош тортилди. Туман бадий ҳаваскорлик жамоаларининг соҳнада, хонанда ва раққосалари ўзларининг дилрабо куй, қўшиқ ва раққосари билан ўқитувчи ва тарбиячиларни хушнуд этдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

## СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде ахборот технологиялари ва интернет бўйича махсус курс тингловчиларига сертификатлар топширилди.**

Мазкур курс Корея республикасининг ахборот ва коммуникация вазирлиги билан ҳамкорликда корейлик мутахассислар томонидан ташкил этилган.

Унда Жаҳон тиллари университетининг педагог ўқитувчилари ва 40 нафар талабалари компьютер асослари, интернет билан ишлаш ва веб сайт тузиш бўйича ўқитилди. Дарсларни Кореядан келган юқори малакали мутахассислар олиб боришди.

**«Туркистон-пресс».**

## ИСТИҚЛОЛ ҚАДРИ

Вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллиги ҳамда Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан жойларда «Мустақиллик ва маънавият» мавзусида маданий-маърифий учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Олмалик шаҳрида бўлиб ўтди. Унда шаҳар фаоллари, кишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, оқсоқоллар, халқ таълими ходимлари, ёшлар иштирок этдилар.

Учрашувда сўзга чиққан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети кафедра мудири Нурбой Абдулҳакимов, Ўзбекистон телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси Гофур Жалолов, вилоят ёзувчилар уюшмаси раиси Махмуд Тоиров, вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Суяр Қурбонқуловлар истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда халқимиз маънавиятини юксалтириш, қадимий урф-одат ва қадриятларимизни тиклаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Бунинг натижаси ўлароқ, фуқароларимиз онги ва тафаккурида туб ўзгаришлар юз бермоқда, мулкка эгалик, манфаатдорлик ҳисси ортмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

## Минтақада ягона

# ЙИЛ БЎЙИ САРЖИЛИНИ ОЛАСИЗ

**Ҳа, ажабланманг, Зангиота туманидаги «Музимпекс» корхонаси республикамиз боғларида етиштирилаётган меваларни қайта ишлаш билан бирга йил бўйи сархил саклаб, хорижга экспорт қилмоқда**

Бу корхона цехларини қачон айланманг, ўрнатилган асбоб-ускуналар бир маромда ишлаб туради, уларни махсус коржомаларда ишчилар синчковлик билан бошқариб туришади. Ишлаб чиқариш технологияси боришини махсус назорат анжомлари, кўп ҳолларда эса компьютерлар ёрдамида кузатишади. Барча цехларда ишлаб чиқариш жараёнлари тўла автоматлашган. Қўл кўчи деярли ишлатилмайди. Чет эллардан олиб келиб ўрнатилган асбоб-ускуналар замонавийлиги, қўлланилаётган технология эса, ниҳоятда илғорлиги билан ажралиб туради. Уларни Австрия ва Германия фирмалари етказиб беришган. Эндилликда маҳаллий ёшлар уларни бошқаришни бемалол уддалашмоқда.

Бу ерда мамлакатимиз боғлари ва далаларида етиштирилган турли-туман мевалар ва сабзавот маҳсулотларининг мазаси ва таъми бузилмаган ҳолда узоқ вақт саклашга мўлжаллаб қайта ишланади. Бунинг учун уларни тез музлатиш усули қўлланилмоқда. Шундай қилинганда мевалар ва сабзавотлар ўзига хос барча фойдали хусусиятларини тўла саклаб қолади. Шу жиҳатдан бу технология ҳозирги вақтда ҳам амалда бўлган консервалаш усулидан устунлик қилад.

Корхона бир йилда ўн минг тонна «ом-ашёни қайта ишлаш қувватига эга. Бу ерда шунча маҳсулотни саклаш учун етарли совутгичлар ўрнатилган омборхоналар мавжуд. Бундан ташқари, мева ва сабзавотларни бирдан 25-35 даражагача музлатадиган 17 та камерадан фойдаланилади. Уларга 3,5 минг тонна маҳсулот сиғади. Жамоа таркибиде 33 ишчи-хизматчи билан иш бошлаган корхонада ҳозир 153 нафар киши меҳнат қилмоқда. Улар ҳар кунни тайёр маҳсулотлар, яъни жем, қиём солинган сиғими 480 граммли банкадан ўн мингтасини ишлаб чиқармоқдалар.

Бу маҳсулотларнинг 64 минг долларлиги чет элларга экспорт қилинди. Корхона ишчилари жорий йилнинг етти ойини ҳам яхши якунлашди. Шу давр мобайнида 131 миллион сўмлик жем, 109 миллион сўмликдан ортиқ музлатилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Экспорт қилинган маҳсулот ҳажми эса 40 минг долларликни ташкил этди.

**СУРАТДА:** ишчи Марҳабо Шукурова корхона маҳсулотлари билан.

**Мирсобир МИРҲАМИДОВ, Даврон АҲМАД.**



## DUSHANBA

26

## «Ўзбекистон» телеканал

## Телетомошабинлар диктатига!

«Ўзбекистон» телеканал  
26 август кунин ўз кўрсатувларининг соат 15.00 дан бошлайди.

15.00 «Тахлинома».

15.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Замонамиз қахрамонлари». «Пойдевор». Видеофильм. 2-қисм.

**Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:**

16.40 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.

17.40 «Шу азиз Ватан барчамизники».

18.00 Янгиликлар

18.10 «Муסיкий танаффус».

18.20 «Ўзлинг намоен қил». Экранда - Наманган вилояти.

18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Шу азиз Ватан барчамизники».

21.25 ТВ клип.

21.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Замонамиз

қахрамонлари».

Пойдевор». Видеофильм премьераси. 3-қисм.

22.30 «Ўзбекистон - Ватаним маним».

23.00 «Мовий уммон қарғида». Телесериал.

23.50 «Ахборот - дайжест».

00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр тонги.

10.00 «Янги авлод» студияси: «Ким эгчил-у, ким чақон?»

10.25 Саломатлик сирлари.

10.45 Муסיкий лаҳзалар.

11.00 «Давр ҳафта ичида».

11.30 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.

12.20 Давр-news.

12.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми:

Самарқанд вилояти. Видеофильм.

13.10 Самарқанд наволари.

13.20 «Ғойибдан келган одам». Бадий фильм.

14.50 Синфдош.

15.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.

16.00 Саломат бўлинг.

16.20 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.

16.55 Кўрсатувлар дастури.

17.00 «Янги авлод» почтаси.

17.15 «Денгиз итлари». Мультсериал. 6-қисм.

17.40 «Озод элим-ойдин йўлим» кўрик-танлови: Наманган вилояти телерадиокомпанияси тақдим этади.

18.10 Спорт ҳафтаномаи.

18.25 Тафаккур ёлқинлари.

18.40 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.35 ТВ-анонс.

19.40 Кўҳна оҳанглар.

19.50 Илдиз ва япроқ.

20.10 Ёшлар овози.

20.30 Муҳаббат кўшиқлари.

20.50 Қишлоқдаги тенгдошим.

21.10, 21.45, 22.35 Эълонлар

21.15 «Эсмеральда». Телесериал.

21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.

23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.

1.15-1.20 «Хайрли тун!»

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал «Гиннес-шоу».

17.40, 19.05, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.

17.55 «Боложонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 17-қисм.

18.15 «Камалак».

18.30, 20.00, 21.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.50 «Авто-news».

19.20 «ТВ плюс».

19.40 «Муסיкий меҳмонхона».

20.30 ТТВда сериал: «Ҳозир ёки ҳеч қачон».

21.30 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 22-қисм.

22.25 «Пойтахт шарҳи».

22.50 Кинонигоҳ. «Фландрия ити».

00.20-00.25 «Хайрли тун, шахрим!»

## «Халқаро» телеканал

РЖТ 7.00-8.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

16.25-16.55

16.55 Кўрсатувлар тартиби.

17.00 «Вести».

17.15 Махсус репортаж.

17.40 Софи Марсо ва Филип Нуаре «Д'Артаньян қизи» фильмида.

20.00 «Время».

20.35 Кинематограф. «Куйлаётган аёл».

Бадий фильм.

21.45 «Ахборот» (рус тилида)

22.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-КАНАЛ

**16.55 гача профилактика ишлари.**

16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 Шоу соати. 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 18.00 «Умид уйи». Сериал. 19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Бойвачанинг хотини». 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Муסיкий дастури. 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Сўнги татуировка». 23.15 «30-канал»да спорт.

## SESHANBA

27

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Дўпли».

9.10 «Соғлом она - соғлом бола».

9.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

10.05 «Ҳиммат».

10.20 «Чинор остидаги дуэль». Бадий фильм.

11.25 «Чегарачи».

11.45 Муסיкий танаффус.

12.05 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».

13.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Замонамиз қахрамонлари». «Пойдевор». Видеофильм. 3-қисм.

14.10 «Талабалар

йилларим».

14.30 Кундузги сеанс: «Қайсарнинг қуюлиши». Бадий фильм.

16.00 ТВ клип.

16.10 «Шу азиз Ватан барчамизники».

**Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:**

16.30 «Кўшигим - жон кўшигим».

16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».

18.10 «Баркамол авлод орзуси».

18.30 «Инсон ва қонун».

18.50 «Олтин мерос».

19.05 «Тараққиёт йўли».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Шу азиз

Ватан барчамизники».

21.25 Бир жуфт кўшиқ.

21.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Замонамиз қахрамонлари» «Пойдевор». Видеофильм премьераси. 4-қисм.

22.30 «Сарҳад билмас дўстлик».

22.50 «Олам футболи».

23.10 «Ахборот - дайжест».

23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» почтаси.

9.30 «Денгиз итлари».

9.55 «Қадрият». 1-кўрсатув.

10.15 Хуқуқ ва бурч.

10.35 Муסיкий лаҳзалар.

10.45 «Эсмеральда». Телесериал.

11.15 Болалар экрани: «Айқича ва аждаҳо».

Мультфильм.

12.25 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм.

12.45 Ўзбекистон Респуб-

ликаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Сурхондарё вилояти. Видеофильм.

13.25 Сурхон наволари.

13.35 Ёшлар овози.

13.55 Интерфутбол.

15.50 Илдиз ва япроқ.

16.10 ТВ-анонс.

16.20 Кўрсатувлар дастури.

16.25 «Янги авлод» студияси: «Хайр, оромгоҳ!», «Камолот» кунлари.

16.55 «Денгиз итлари». Мультсериал. 7-қисм.

17.20 Солиқ ҳақида сабоқлар.

17.35 Ватан манзаралари.

17.55 Чемпион сирлари.

18.15 Умр дафтари: Турғун Алиматов. 1-қисм.

18.40 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.35 ТВ-анонс.

19.40 Давр-интервью.

19.55 Ёшлар овози.

20.15 Ватан ҳақида кўшиқ.

20.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг

Ватаним» туркуми: Қашқадарё вилояти. Видеофильм премьераси.

20.55 Ёшлар наволари.

21.10, 21.45, 22.35 Эълонлар

21.15 «Эсмеральда». Телесериал.

21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.40 Маслаҳат.

23.15 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.

23.40 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: «Нокаут».

00.05 «Давр». Ахборот дастури.

00.20 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.

00.55-1.00 «Хайрли тун!»

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Гиннес-шоу».

17.40, 19.05, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.

17.55 «Боложонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 18-қисм.

18.30, 20.00, 21.10, 22.25

«Пойтахт». Ахборот дастури.

18.50 «Спорт ва болалар».

19.20 «Туризм ҳақида».

19.50 «Жозиба».

20.30 ТТВда сериал: «Ҳозир ёки ҳеч қачон».

21.30 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 23-қисм.

22.50 Кинонигоҳ. «Кўза».

23.20-23.25 «Хайрли тун, шахрим!»

## «Халқаро» телеканал

РЖТ 7.00-8.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

16.25-16.55

16.55 Кўрсатувлар тартиби.

17.00 «Вести».

17.15 «Оилавий ришталар».

Сериал.

18.15 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.

18.55 «Талабларга биноан бекат-2». Сериал.

20.00 «Время».

20.35 «Молдова». Хужжатли фильм.

20.45 Кинематограф.

«Муҳаббат мактуби». Бадий фильм.

22.20 «Ахборот» (рус тилида)

22.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 — Болалар соати. 10.15 «Ботирлар». Сериал. 10.40 «Жангвор санъат олами». Спорт дастури. 11.10 «Иблис боласи». Телесериал. 12.00 «Уша Мюнхаузен». 1-серия. 13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Сериал. 15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эҳтирослари». Сериал. 15.50 «30-да спорт». 17.00 Шоу соати. 18.00 «Умид уйи». Сериал. 19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Катта таътиллар». 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Муסיкий дастур. 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Юлдуз». 23.15 «30-да спорт. Бокс.

## CHORSHANBA

28

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қушлар».

9.15 «Нафосат гулшани».

9.40 «Сихат-саломатлик».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

10.05 Алифбо сабоқлари.

10.25 «Биринчи рицарь». Бадий фильм. 1-қисм.

11.30 «Тараққиёт йўли».

11.50, 12.50 ТВ клип.

12.05 Болалар учун. «Фламинго».

12.25, 13.55 ТВ анонс.

12.30 «Сарҳад билмас дўстлик».

13.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Замонамиз қахрамонлари». «Пойдевор». Видеофильм. 4-қисм.

14.10 «Сабогул». Фольклор-этнографик ансамблининг концерти.

14.30 «Остонаси тиллодан».

14.50 Кундузги сеанс: «Биринчи рицарь». Бадий фильм. 2-қисм.

15.50 «Баркамол авлод орзуси».

16.10 «Ягона оилада».

16.40 «Шу азиз Ватан барчамизники».

**Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»:**

17.00 1. «Сехрли ҳарфлар оролчаси». 2. «Болаликнинг мовий осмони».

18.10 «Бугуннинг одамлари».

18.30 «Кўшигимиз сизга армуғон». Д. Раҳимова.

18.50 «Хунарманд».

19.10 «Мулк».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 «Юзма-юз».

20.30 «Ахборот».

21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Шу азиз Ватан барчамизники».

21.35 «Шийпондаги учрашувлар». Наманган вилояти Уччи тумани меҳнаткашлари ҳузурда.

22.15 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси олдидан. «Парламент вақти».

22.35 «Ўзбек спорти одимлари».

23.00 «Ахборот - дайжест».

23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Хайр, оромгоҳ!», «Камолот» кунлари.

9.45 «Денгиз итлари». Мультсериал. 7-қисм.

10.10 «Қадрият». 2-кўрсатув.

10.30 Давр-интервью.

10.45 «Эсмеральда». Телесериал.

11.15 «Озод элим-ойдин йўлим» кўрик-танлови: Наманган вилояти телерадиокомпанияси тақдим этади.

11.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.

12.00 «Ер-ёр». Бадий фильм.

13.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Қашқадарё вилояти. Видеофильм.

13.40 Қашқадарё наволари.

13.50 Ёшлар овози.

14.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.

14.50 Ватан манзаралари.

15.10 Болалар экрани: «Чипполино».

16.30 Кўрсатувлар дастури.

16.35 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».

16.50 «Денгиз итлари». Мультсериал. 8-қисм.

17.15 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.

17.30 Ракурс.

17.50 Умр дафтари: Турғун Алиматов. 2-қисм.

18.15 Ёшлар овози.

18.35 Каталог.

18.45 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.35 ТВ-анонс.

19.40 Очил дастурхон.

20.00 Спортлото.

20.10 Ватан ҳақида кўшиқ.

20.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Навоий вилояти. Видеофильм премьераси.

20.50 Севги тароналари.

21.10, 21.45, 22.35 Эълонлар

21.15 «Эсмеральда». Телесериал.

21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.

23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.

00.55-1.00 «Хайрли тун!»

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал:

«Гиннес-шоу».

17.40, 19.10, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.

17.55 «Боложонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 19-қисм.

18.30, 20.00, 21.10, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.50 «Хайрли оқшом».

19.25 «Камолот фасли».

19.50 «Эҳтиром ила».

20.30 ТТВда сериал: «Ҳозир ёки ҳеч қачон».

21.30 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 24-қисм.

22.50 Кинонигоҳ. «Совға».

23.20-23.25 «Хайрли тун, шахрим!»

## «Халқаро» телеканал

РЖТ 7.00-8.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

16.25 - 16.55

16.55 Кўрсатувлар тартиби.

17.00 «Вести».

17.15 «Оилавий ришталар».

Сериал.

18.20 Е.Петросянинг «Кулгу панорамаси».

18.55 «Талабларга биноан бекат-2». Сериал.

20.00 «Время».

20.35 «Замин билан ҳамнафас».

20.50 Кинематограф. «Мери хоним». Бадий фильм.

22.00 «Ахборот» (рус тилида)

22.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 — Болалар соати. 10.15 «Яхши кайфият». 11.10 «Иблис боласи». Телесериал. 12.00 «Уша Мюнхаузен». 2-серия. 13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал. 15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эҳтирослари». Сериал. 15.50 «30-да спорт». 17.00 Шоу соати. 18.00 «Катта шахар томлари остида». Сериал. 19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Зулмат князи». 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Муסיкий дастур. 21.30 Ҳинд киноси: «Қалб нима қилсин».

## PAYSHANBA

29

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

**Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:**

9.00 1. «Сехрли ҳарфлар оролчаси». 2. «Болаликнинг мовий осмони».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

10.05 «Мафусайл». Бадий фильм.

11.55, 13.55, 16.10 ТВ анонс.

12.05 «Мулк».

12.20 «Рангин дунё».

12.40 ТВ клип.

12.50 «Ўзбекистон ифтихорлари». Спорт дастури.

13.10 «Шийпондаги учрашувлар».

14.10 «Бугуннинг одамлари».

14.30 Кундузги сеанс: «Маҳаллада дув-дув гап». Бадий фильм.

15.50 «Кўшигимиз сизга армуғон». Д. Раҳимова.

16.15 «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультсериал.

16.40 «Шу азиз Ватан барчамизники».

**Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:**

17.00 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2. «Цирк, цирк, цирк».

18.10 «Ўзбекистон: XXI аср

ёшлари».

18.30 «Яхши ният». Телелотерея.

19.05 «Соғлом она - соғлом бола».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида.

22.25 Санъат усталарининг концерти.

22.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Шу азиз Ватан барчамизники».

23.10 «Ахборот-дайжест».

23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».

9.30 «Денгиз итлари». Мультсериал. 8-қисм.

9.55 Муסיкий лаҳзалар.

10.10 «Эсмеральда». Телесериал.

10.40 «Оби-ҳаёт». Экологик тележурнал.

10.55 Спорт-қитъаси (рус тилида)

11.25 Чемпион сирлари (рус тилида)

11.45 Ёшлар овози.

12.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Навоий вилояти. Видеофильм.

12.45 Кўҳна замин оҳанглари.

12.55 Ракурс.

13.15 Интерфутбол.

14.55 Болалар экрани: «Қўнғироқул», «Сехрланган бола». Мультфильм-

лар.

15.50 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм.

16.10 ТВ-анонс.

16.20 «Хўш келибсиз!»

16.45 Кўрсатувлар дастури.

16.50 Уйна, болажон, уйна.

17.05 «Янги авлод» студияси: «Билафон маслаҳати».

17.20 «Денгиз итлари». Мультсериал. 9-қисм.

17.45 «Умр дафтари»: Турғун Алиматов. 3-қисм.

18.10 «Coskom» хабарлари.

18.20 Табабат оламида.

18.40 Оқшом

18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 «Давр»-интервью.  
19.55 Ёшлар овози.  
20.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Андижон вилояти. Видеофильм премьераси.  
20.45 «Ер ишқи». Мусиқий дастур.  
21.05, 21.40, 22.35 Ёлонлар

21.10 «Эсмеральда». Телесериал.  
21.45 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол Танафус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.  
00.55-1.00 «Хайрли тун!»  
**«Тошкент» телеканалли**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал

«Гиннес-шоу».  
17.40, 19.20, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.  
17.55 «Болажонлар экрани».  
«Шарки ва Жорж». 20-қисм.  
18.15 «Навниҳол».  
18.30, 20.00, 21.10, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Умр йўлдоши».  
19.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11

йиллигига. «Тошкент ва тошкентликлар».  
19.55 ТТВда мусиқа.  
20.30 ТТВда сериал: «Ҳазир ёки ҳеч қачон».  
21.30 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси.  
25-қисм.  
22.50 Кинонигоҳ. «Ғалатепа-лик авлиё».  
23.20-23.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

**«Халқаро» телеканал**  
РЖТ 7.00-8.00  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
16.25-16.55  
16.55 Кўрсатувлар тартиби.  
17.00 «Вести».  
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.  
18.15 «Форс-мажор».  
18.55 «Талабларга биноан бекат-2». Сериал.  
20.00 «Время».  
20.35 «Евроноос» видео-журнали.

20.50 Кинематограф.  
«Анойн». Бадий фильм.  
22.00 «Ахборот» (рус тилида)  
22.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-КАНАЛ**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Ботирлар» Сериал. 10.40 «Яши кайфият». 11.10 «Иблис боласи». Сериал. 12.00 «Номсиз юлдуз». 1-серия.  
13.30 «Яго, зулмат эҳтироси».

Телесериал. 15.00 Кундузги киносеанс: «Магдаленанинг сокин эҳтирослари». Сериал. 15.50 «30-да спорт». 17.00 «Шоу соати». 18.00 «Катта шаҳар томлари остида». Сериал. 19.00 «30-канал» киноқошмои: «Кўтарилаётган юлдуз». 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 21.30 «30-канал» киноқошмои: «Боғлар ой шуъласи остида эди». 23.15 «Сиреналар». Сериал.

JUMA

30

**«Ўзбекистон» телеканалли**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
**Ёғи таътил кунларида: «Болалар сайёраси».**  
9.00 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2. «Цирк, цирк, цирк».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 «Шерюрак». Бадий фильм. 1-қисм.  
11.30 «Ўзлинг намоян қил». Экранда - Қорақалпоғистон Республикаси.  
11.55, 15.55, ТВ анонс.  
12.05 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».  
12.25 «Ўзбек спорти одимлари».  
12.50 Санъат усталарининг концерти.  
13.15 «Олам». Телеальма-

нах.  
13.50 ТВ клип.  
14.10 «Озод юрт одамлари». Бадий-публицистик кўрсатув.  
14.30 Кундузги сеанс: «Шерюрак». Бадий фильм. 2-қисм.  
16.00 «Шу азиз Ватан барчамизники».  
16.20 Эстрада тароналари.  
**Ёғи таътил кунларида: «Болалар сайёраси».**  
16.50 1. «Ўйла, изла, топ». Телемусобақа. 2. «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультсериал.  
18.10 «Тиббиёт одимлари».  
18.25 «Кўйла, ёшлигим».  
18.45 «Орзулар қанотида».  
19.05 «Ҳидоят сари».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 «Байрамнинг кўнгили ўтсин!»  
20.30 «Ахборот»

21.05 Иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида.  
22.05 ТВ клип.  
22.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Андижон вилояти. Видеофильм.  
13.15 Андижон навалари.  
13.25 Интерфутбол.  
15.05 «Coskop» хабарлари.  
15.15 «Қора ўқ». Бадий фильм.  
16.40 ТВ-анонс.  
16.50 Кўрсатувлар дастури.  
16.55 «Янги авлод» студияси: Кўшиқ бизларга ҳамроҳ.  
17.15 «Денгиз итлари». Мультсериал. 10-қисм.  
17.40 Аср қиёфаси.  
18.00 Аскар мактублари.  
18.20 Ёшлар овози.  
18.40 Оқшом навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 Мусиқий лаҳзалар.  
19.40 «Давр»-репортаж.  
19.50, 20.40, 22.35 Ёлонлар  
19.55 «Сардор». Телевизион бадий фильм. 5-қисм.

21.05 Иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида.  
22.05 ТВ клип.  
22.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Андижон вилояти. Видеофильм.  
13.15 Андижон навалари.  
13.25 Интерфутбол.  
15.05 «Coskop» хабарлари.  
15.15 «Қора ўқ». Бадий фильм.  
16.40 ТВ-анонс.  
16.50 Кўрсатувлар дастури.  
16.55 «Янги авлод» студияси: Кўшиқ бизларга ҳамроҳ.  
17.15 «Денгиз итлари». Мультсериал. 10-қисм.  
17.40 Аср қиёфаси.  
18.00 Аскар мактублари.  
18.20 Ёшлар овози.  
18.40 Оқшом навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 Мусиқий лаҳзалар.  
19.40 «Давр»-репортаж.  
19.50, 20.40, 22.35 Ёлонлар  
19.55 «Сардор». Телевизион бадий фильм. 5-қисм.

20.45 Кўнра оҳанглар.  
21.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Тошкент шаҳри. Видеофильм премьераси.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.40 Тунги тароналар.  
22.50 «Мафтунингман». Бадий фильм.  
00.10 «Давр».  
00.25 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.  
1.25-1.30 «Хайрли тун!»  
**«Тошкент» телеканалли**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал  
«Гиннес-шоу».  
17.40, 19.05, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.  
17.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Ёшлар худуди».  
18.15 «Эл хизматида».  
18.30, 20.00, 21.10, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.50 «Кўркам ўлкам».  
19.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Саодат қалти».  
19.50 «Мусиқий лаҳзалар».  
20.30 ТТВда сериал: «Ҳазир ёки ҳеч қачон».  
21.30 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси.  
26-қисм (яқунловчи)  
22.50 «Кинонигоҳ».  
«Келинлар кўзолони».  
23.55-24.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
РЖТ 7.00-8.00  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
16.25-16.55  
16.55 Кўрсатувлар тартиби.  
17.00 «Вести».  
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.  
18.15 «Инсон ва қирун».  
18.50 «Мўъжизалар майдони».  
20.00 «Время».  
20.35 А. Пугачева, Л. Вайкуле ва В. Леонтьев Р. Паулсинг концерт

дастурида.  
22.15 Кинонинг олтин асри: «Спартак». Бадий фильм. 1-қисм.  
23.55 «Ахборот» (рус тилида)  
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-КАНАЛ**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Ботирлар». Сериал. 10.40 «Сурхатдош». Дам олиш дастури. 11.10 «Иблис боласи». Телесериал. 12.00 «Номсиз юлдуз». 2-серия. 13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал. 15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эҳтирослари». Сериал. 15.50 «30-да спорт». 17.00 Шоу соати. 18.00 «Катта шаҳар томлари остида». Сериал. 19.00 «30-канал» да ринг қироллари. 19.45 Елена Степаненко шоуси. 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 21.30 «30-канал» киноқошмои: «Агент 007. Қотилликка рухсат». 23.40 «Сиреналар». Сериал.

SHANBA

31

**«Ўзбекистон» телеканалли**  
**ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 Улуғ аждодларимизга эҳтиром: «Ўзбектелефильм» намойиши: «Шаҳидлар хотираси».  
9.20 «Байрамнинг кўнгили ўтсин!»  
9.30 «Ўзбекистон Ватаним мамни!»  
9.55 «Ҳидоят сари».  
**Ёғи таътил кунларида: «Болалар сайёраси».**  
10.15 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.  
10.55 ТВ анонс.  
11.00 ТВ-1 кинотеатри: «Яратганга шукур».  
Бадий фильм.  
12.40 «Ўзбекистон

ифтихорлари». Спорт дастури.  
13.00 «Кўнра замин оҳанглари».  
13.20 «Қирол шер». Мультфильм.  
14.45 «Мазрифат». Телеальманах.  
15.05 Шаҳидлар хотира майдонидан репортаж.  
15.25 «Шу азиз Ватан барчамизники».  
15.45 «Суюнчи». Бадий фильм.  
16.55 ТВ-клип  
17.00 «Миттвийлар оиласи». Киноқўрсатув.  
17.20 Шаҳидлар хотира майдонидан репортаж.  
17.40 «Талабалик йиллари».  
**Ёғи таътил кунларида: «Болалар сайёраси».**  
18.00 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.  
19.00 «Ахборот» (рус тилида)  
19.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11

йиллигига бағишланган байрам тантанасидан репортаж.  
21.30 «Ахборот».  
22.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Шу азиз Ватан барчамизники».  
22.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган байрам тантанасидан репортаж (ёзиб олинган)  
00.30 «Ахборот-дайжест».  
00.50-00.55 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканалли**  
6.55 Кўрсатувлар дастури.  
7.00 «Давр тонги».  
8.00 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».  
8.15 Болалар клуби.  
8.35 «Жасур чўпон бола». Мультфильм.  
8.45 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм.  
9.05 Ёшлар овози.  
9.25 «Умрбоқий кўшиқлар». Фильм-концерт.  
9.55 Қатагон қурбонларини ёд этиш кун: «Шамчи-

рок».  
10.25 Энг азиз, энг муқаддас байрам муборак!  
10.30 «Тилсимой-ғаройиб қизалоқ». Бадий фильм.  
11.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Тошкент шаҳри. Видеофильм.  
12.35 Ёшлик кўшиқлари.  
12.50 Қутилмаган меҳмон.  
13.10 «Остона». Телевизион бадий фильм. 1-қисм.  
14.05 Аскар мактублари.  
14.25 «Остона». Телевизион бадий фильм. 2-қисм.  
15.15 «Энг азиз, энг муқаддас байрам муборак!»  
15.20 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм.  
15.40 «Янги авлод» студияси: «Келин, таншайлик».  
16.00 Бахтли болалик кўшиқлари.  
16.15 «Жалолитдин Мангуберди». Мультфильм.  
16.30 «Ғалабалар даври».

Ирода Тулаганова.  
16.55 Ватан мадҳи.  
17.05 «Хур динёр фарзандиман». Мусиқий дастур.  
17.35 Оила тилсим.  
18.00 Энг азиз, энг муқаддас байрам муборак!  
18.05 «Парвоз». Видеофильм.  
18.25 Ёшлар овози.  
18.45 Хур Ватан навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган байрам тантанасидан репортаж.  
21.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Ўзбекистон ёшлари. Видеофильм премьераси.  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.35 Хур Ватан навалари.  
22.50 «Чимилдик». Бадий фильм.  
00.10-00.15 «Хайрли тун!»

**«Тошкент» телеканалли**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Болажонлар экрани».  
«Шарки ва Жорж». 21-қисм.  
17.40 «Жаҳон географияси».  
18.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Мисли гаваҳ».  
19.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус)  
19.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган байрам тантанасидан репортаж.  
21.30 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача.  
22.00 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм тақдироти.  
23.30 Кинонигоҳ. «Биринчи бўса».  
24.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «ТВ-4да мусиқа».

9.10 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».  
9.45 «Лаззат».  
10.05 «СН янгиликлари».  
10.15 «Фан тайм».  
10.25 Болалар соати: «Қизил шапкача». 1-қисм. Бадий фильм.  
11.30-12.30 Дўстлик видеоканали: «Саҳий хонадонда». «Ўзбекистон-умумий уйимиз». «Бизнен мирас».  
18.00 Кўрсатувлар тартиби.  
18.05 «Мусиқий серпантин».  
18.50 «Ногоҳ».  
19.10 «Менинг шаҳрим».  
19.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган байрам тантанасидан репортаж.  
21.30 Кинематограф. «Водиллик келин». Бадий фильм.  
22.55 «Ахборот» (рус тилида)  
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

YAKSHANBA

1

**«Ўзбекистон» телеканалли**  
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунига бағишланган улуксиз теледастур.  
**Байрамнинг муборак бўлсин, азиз юртдошлар!**  
«Ўзбекистон» телеканалли 1 сентябрь кун сиз азиз телетомошабинларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган хилма-хил кўрсатувлар, клиплар, фильмларни томоша қилишга таклиф этади. Шу кун «Ассалом, Ўзбекистон!», «Тахлилнома» дастурларининг байрам сонлари, бир неча қисми «Асрга тенг йиллар» ҳужжатли

фильм, вилоятлар билан телекўприклар, мустақиллик байрамларида икром этилган энг сара кўшиқлар тарихи ва шу кўшиқларнинг ихроси, айнан, шу кун учун ёзиб олинган аския ва телеуйинлар, шонрларнинг озодлик мавзусидаги беллашувлари, машҳур достонимиз асосида суратта олинган «Алломиш» бадий фильми, фақат шу кунги марафон учун ёзиб олинган, сиз севган ҳофизларнинг янги кўшиқларидан ва чет эл мамлакатларининг элчилари, машҳур кишиларнинг табриқлари, дил сўзларидан тузилган «Истиқлолим-истиқболим» мусиқий дастури ҳамда «Ҳамроҳ» видеофильми-

нинг премьерасини томоша қиласиз.  
**Байрамнинг кўнгили ўтсин, азиз телетомошабинлар!**  
**Истиқлолимиз абадий бўлсин!**  
**«Ёшлар» телеканалли**  
6.55 Кўрсатувлар дастури.  
7.00 «Давр тонги».  
8.30 «Янги авлод» студияси: «Катта танафус».  
8.50 «Томоша қалдирғочлари».  
9.20 Очил дастурхон.  
9.40 Давр-интервью.  
9.55 Ватан ҳақида кўшиқ.  
10.00 Зинама-зина.  
10.30 Маслаҳат.  
11.45 Марди майдон.  
12.10 Ёшлар овози.  
12.30 Чемпион сирлари. Миржалол Қосимов.  
13.00 Хандалак.  
13.25 «Кўнра замин оҳанглари». Маҳмуд

Номзозов куйлайди.  
14.00 «Давр». Махсус сони.  
14.15 «Остона». Телевизион бадий фильм. 3-қисм.  
15.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Ўзбекистон ёшлари. Видеофильм.  
15.25 «Остона». Телевизион бадий фильм. 4-қисм.  
16.20 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».  
16.40 «Менинг университетим». Видеофильмининг премьераси. 1-қисм.  
17.00 «Давр». Махсус сони.  
17.15 «Менинг университетим». Видеофильмининг премьераси. 2-қисм.  
17.45 Ёшлик навалари.  
18.00 Синфдош.  
18.30 «Ўзбекино» тўққаси: «Халқ сўзи-ҳақ сўз».  
Ҳужжатли фильм премьераси.  
19.00 «Ногоҳ-2002»

муқофотларининг топириш маросимидан ёзиб олинган мусиқий дастур.  
20.25 Заковат.  
21.45 Олтин мерос.  
21.55 Иқлим.  
22.00 «Давр». Ҳафта ичида.  
22.30 «Жон ўзбегим злим». Озода Нурсандова куйлайди.  
23.00 «Кичкина табиб». Бадий фильм.  
00.30-00.35 «Хайрли тун!»  
**«Тошкент» телеканалли**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Болажонлар экрани».  
«Кузги қўнроқлар».  
18.55, 20.05, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.  
19.10 «Жаҳон географияси».  
19.55 «Телефакт».  
20.20 «Ҳамшаҳарлар».  
20.40 «Спорт-клуб».  
21.00 «Пойтахт шарҳи».  
21.20 «Таширф».

22.00 Кинонигоҳ. «Тўйлар муборак».  
23.10-23.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «ТВ-4да мусиқа».  
9.10 Д. Криловнинг «Йулда ёзилмаган қайдалари».  
9.30 «Ҳамма уйдалигида».  
10.05 «Кайфият». Информацион-дам олиш дастури.  
11.35 «Экран зийнати ва ҳўямати».  
12.00 Болалар соати: «Қизил шапкача». 2-қисм. Бадий фильм.  
13.10-14.10 «Дўстлик» видеоканали: «Дидар», «Маврид».  
17.45 Кўрсатувлар тартиби.  
17.50 «Мюзик-холл».  
18.15 «Фидойи». Бадий фильм.  
19.35 «Кулгу хонаси».  
20.20 «Одий репортаж».

20.30 Марлон Брандо «Доктор Моро ороли» фильмида.  
22.25 Кинематограф. «Серқўёш водий таронаси». Бадий фильм.  
00.35 «Тахлилнома».  
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-КАНАЛ**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.35 Мустақиллик тароналари. 9.55 Фильм - болаларга.  
11.15 Ҳинд кинофильмларидан куй ва кўшиқлар.  
11.45 Ҳинд киноси: «Севишганлар». 15.20 Ёз кўшиқлари. 16.10 Кундузги кинозал: «Васаби».  
17.55 Ҳинд киноси: «420-уйинчи». 20.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур.  
21.15 «30-канал» киноқошмои: «Анна ва қирол».  
23.30 И. Аллегрова концерти.

## Кутубхона фаолиятидаги янгилик

**Турон** кутубхонасида Ўзбекистондаги ноҳукумат, нодавлат кутубхона ташкилотлари учун **«Кутубхонада фандрайзинг»** мавзuida семинар иш бошлади. Семинарни Тошкент вилоят кутубхоналар уюшмаси, IREX жамғармаси ва бошқа халқаро ташкилотлар уюштирди.

Мустақиллик йилларида ноҳукумат, нодавлат ташкилотларини ҳамма соҳада, жумладан кутубхоначилик соҳасида ҳам фаол ривожланишига кенг имконият яратилди. Ҳозирги пайтда республикада ўттизга яқин кутубхонага оид ноҳукумат, нодавлат ташкилотлари ишлаб турибди. Улар кутубхона уюшмаларидир. Улар кутубхоналар-

ни ҳар томонлама ривожлантириб, ижтимоий маъқеини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган. Бу уюшмалар кутубхоналар фаолиятига ўта ижобий таъсир кўрсатаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Буни мазкур ташкилотлар ўз ишини замонавий талаблар асосида ташкил этганида, кутубхоналар ишини компьютерлаштириш, уларни ИНТЕРНЕТ


тармоғига улашда, халқаро грантларда иштирок этишда кўриш мумкин.

Уюшмалар фаолиятида фандрайзинг ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу – ноҳукумат, нодавлат кутубхона ташкилотлари учун маблағларни жалб этиш, шунингдек китобхонларнинг фикр доираси ва талабларини чуқур ўрганиш деган гап. Ишга бундай ёндашув кутубхоначилик ишини мустаҳкамлашга кўмаклашади. Ҳозирги пайтда кўпгина ривожланган мамлакатларда китобхоналарга энг янги маълумотларни тақдим этадиган автоматлаштирилган кутубхоналар ишлаётгани

сир эмас. Китобхонага хизмат кўрсатиш, зарур китобни топиш, унга буюртма бериш сингари жараёнлар компьютер «хотира»-сига жойланган. Мамлакатимиз кутубхоналари ўз соҳасида жаҳон стандартларига тобора яқинлашиб бораётгани кувонарли ҳолдир. «Турон» кутубхонасининг ўқув-маслаҳат марказида ҳам ҳар бир уюшма, кутубхона лойиҳаларни ёзиш бўйича ёрдам, маслаҳат олиши мумкин. Марказда шунингдек мураббийлар мактаби ҳам ишлайди. Мактабда кутубхоналар ходимларининг замонавий интерфаол тренинг усулларини ўрганишининг турли жиҳатлари ҳам кўриб чиқилади.

**Назokat УСМОНОВА,**  
**ЎЗА мухбири.**

## «ИЙК-ОТА» ИШ БОШЛАДИ



**Юқоричирчиқ туманида аҳолига бирламий тиббий хизмат тобора яхшиланиб борапти. «Ийк-ота» қишлоқ врачлик пунктининг очилиши бу йўлда янги босқич бўлди. Эски бинони тўла таъмирдан чиқариш учун 2,5 миллион сўм маблағ сарфланди.**

Янги шифохонада бир йўла эллик беморга тиббий хизмат кўрсатилади. Ўн беш бемор кундузи қатнаб муолажа олиши учун ҳам барча имкониятлар яратилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ИҚЛИМ, СУВ ВА АТРОФ-МУҲИТ — ГЛОБАЛ МУАММОЛАР

**«Экосан» халқаро жамғармасида бўлиб ўтган тадбир ана шундай номланди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси ва «Экосан» Тошкент клуби (Рим клубининг филиали) вакиллари, шунингдек, мамлакатимиздаги таниқли эколог, иқлимшунос, метеоролог олимлар, бир қатор элчихоналарнинг ходимлари иштирок этдилар. Анжуман иштирокчилари бугунги кунда жаҳонда турли ноҳуш экологик ҳодисалар юз бераётганлиги, айниқса, Европа мамлакатларидаги сув тошқинлари, Марказий Осиёда ҳароратнинг кўтарилиши, унинг оқибатлари, бу вазиятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини муҳокама этишди.

**Ўз мухбиримиз.**



Кўллари дуога очган онахонларимиз ва уларнинг неварачеваралари бугунги дориламон кунларимизга шукроналар айтмоқдалар.

84 ёшли онахон Марям ая Содиқова, Оминахон ая Содиқова ва Зумрад ая Ўринбоевалар эл-юртга тинчлик-омонлик, бахту барқарорлик тилайдилар.

**Аида САИТОВА олган сурат.**

## «ВАТАН, СЕНИ ШАРАФЛАЙМАН»

**Оққўрғон тумани марказий ўйингоҳида туман ҳокимлиги ва Республика «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида «Ватан, сени шарафлайман» мавзuida катта тадбир ва шоу-концерт бўлиб ўтди.**

Мустақиллик йилларида туманнинг ижтимоий-

иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшиб келаёт-

ган илғор ишчилар, пиллакор, галлакорлар, пахтакор ва чорвадорлар, иқтидорли ёшлар, тадбиркорларга ҳокимлик ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг қимматбахо совғала-

ри топширилди.

«Хўжа» гуруҳи ва ҳаваскор ижодкорларнинг куйи ва кўшиқлари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2002 йил 25 сентябрь ва 2, 9, 16, 23, 30 октябрь кунлари соат 10.00да ўтказиладиган навбатдаги кимошди савдоларига таклиф этади.

**Савдога қўйиладиган қўйлади:**

1. Зангиота тумани, А. Навоий номидаги ширкат ҳўжалиги ҳудудида жўйлашган, фуқароларга мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгаллик қилиш уй-жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м бўлган 40та ер майдони.

**Бошланғич баҳоси — 348 000 сўм.**

2. Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимига қарашли РАФ-2203 русумли, давлат рақами 11 АК 850 бўлган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 790 800 сўм.**

3. Паркент тумани ҳокимиятига қарашли ВАЗ-21061 русумли, давлат рақами 57-75 ТША бўлган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 426 400 сўм.**

4. Бўстонлик тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан хатланган, «Бурчмулло» заргарлик заводига қарашли бўлган қўйидаги кўчмас мулк объектлари ва автотранспорт савдога қўйлади:

— «Гальваник цехи» объекти, **бошланғич баҳоси — 6740300 сўм.**

— «Гараж» биноси, **бошланғич баҳоси — 5253700 сўм.**

— «Лесопильный цех» биноси, **бошланғич баҳоси — 4243700 сўм.**

— ГАЗ-5312-ГЭСА-950, 1990 й.и.ч., давлат рақами 91-94 ТШС, **бошланғич баҳоси — 475600 сўм.**

— ЗИЛ-130, 1980 й.и.ч., давлат рақами 11 АВ 532, **бошланғич баҳоси — 2304900 сўм.**

— Трактор Т-40, 1991 й.и.ч., **бошланғич баҳоси — 1761900 сўм.**

— Зил-43412 кран КС, давлат рақами 90-05 ТШС, **бошланғич баҳоси — 3192600 сўм.**

— ЗИЛ-431410, 1991 й. и. ч., давлат рақами 83-25 ТШС, **бошланғич баҳоси — 922000 сўм.**

— ГАЗ-5201, 1986 й.и.ч., давлат рақами 85-37 ТШН, **бошланғич баҳоси — 951300 сўм.**

— ГАЗ-5312, 1988 й.и.ч., давлат рақами 46-00 ТШС, **бошланғич баҳоси — 1094000 сўм.**

— ЗИЛ-130, 1978 й.и.ч., давлат рақами 11 АВ 532, **бошланғич баҳоси — 2765900 сўм.**

— Москвич-21401, 1988 й.и.ч., давлат рақами 84-67 ТШР, **бошланғич баҳоси — 439800 сўм.**

— ГАЗ-66, 1990 й.и.ч., давлат рақами 97-94 ТШС, **бошланғич баҳоси — 1426900 сўм.**

Ер майдонига аризаларни қабул қилиш 3 кун олдин тўхтатилади.

**Эслатма:** Сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни Давлат божи ёки Давлат ордерини олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ ва ДСИ томонидан хатланган мулк учун баҳолаш хизмат ҳақини алоҳида «Хususiyлаштиришга ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй. Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. **Тел:** 133-28-52, 133-77-18, **факс:** 133-43-73.

## «ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ МУНИЦИПАЛ БИРЖАСИ» МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

2002 йил 17 август куни «Тошкентвиллоятсавдо» АК Бизнес маркази биносида «Тошкент вилоят муниципал биржаси» МЧЖ таъсисчиларининг шу йил ярим йиллик яқунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ТВМБ директори А. С. Шомансуров маъруза қилиб, қўйидаги кўрсаткичларга тўхтади:

2002 йил ярим йиллик натижаларига кўра жами 3181та турли мулклар 1 млрд. 509 млн. сўмдан зиёдга сотилди. Улардан 183та кўчмас ва бошқа мулклар 922,3 млн. сўмга ва 2994та автотранспорт ва бошқа техника воситалари 586,9 млн. сўмдан зиёдга сотилди. Ярим йилликдаги ўсиш 2001 йил якуний кўрсаткичларига нисбатан сотилган мулкларнинг сони 2,2 баробарга, баҳосига нисбатан эса 1,5 баробарга ўсган. Биржа ярим йилликда қўшимча замонавий компьютерлар, нусха кўчириш ва бошқа техникалар билан таъминланди.

Йиғилиш қатнашчилари ТВМБ фаолиятида эришилган ютуқ ва йўл қўйилган камчиликларни танқидий назар билан муҳокама қилиб, унинг келгусидаги режалари ва имкониятларини муҳокама қилдилар.

Йиғилишда Тошкент вилояти Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлигининг биринчи муовини С. Тошходжоев иштирок этди.

«Тошкент вилояти муниципал биржаси» Ўзбекистон халқини кириб келаётган мустақиллик байрами билан қўтлайди ва барча корхона-ташкilotларни, ишбилармон тадбиркорларни, фермер ҳўжаликларини биржа хизматидан фойдаланишига ва ҳамкорликка чақиради.

**БИЗНИНГ МАНЗИЛ:** Тошкент, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 2-уй. Мўлжал: «Миробод супермаркети» бекати.

**Тел:** 56-30-12, 56-61-64, 56-52-47.

# XII asr va dunyo

Mamlakatlar  
Odamlar  
Voqealar  
G'aroyibotlar

Eng  
so'nggi  
xabarlar

## ЎТ БИЛАН СУВ ЁНМА-ЁН

Жаҳон оммавий ахборот воситалари ҳали у, ҳали бу минтақада содир бўлаётган табиий офатлар ҳақида хабарлар тарқатмоқда. Европа аҳолиси сув тошқинларидан зарар кўраётган бўлса, Жануби-шарқий Осиёнинг айрим ҳудудларини аччиқ тун қоплаган. Индонезиянинг Борнео ва Суматра оролларидаги ўрмонлардан чиққан кучли ёнғиндан ана шундай эгологик танглик юзага келди. Айниқса, Фарбий Калимантанининг маъмурий маркази ҳисобланмиш Понтианак шаҳри атрофидаги ёнғинлар хавотир уйғотмоқда.

Энг ачинарлиси шундаки, тилсиз ёв туфайли ҳавога кўтарилаётган тун инсон саломатлигига катта зиён етказмоқда. Тутундан заҳарланган юзлаб болалар касалхонага ётқизилган. Индонезиянинг кўплаб мактаблари вақтинча ёпилган. Ҳаво тозаловчи махсус мосламаларсиз кўчага чиқиш мушкул — кишининг нафаси қайтади.

Метеорология хизмати ходимлари, сунъий йўлдош орқали олинган фотосуратларга таянган ҳолда, ёнғинлар тобора кучаяётганини таъкидламоқда. Шунингдек, Малайзиянинг Саравак штатида қарашли қангалзорларга ҳам ўт кетган. Заҳарли тутун оқими Сингапурга етиб борди. Экологик танглик Индонезия, Малайзия ва Сингапур авиакомпанияларига қарашли самолётлар жадвалининг ўзгаришига ҳам сабаб бўлмоқда.

## ЕЧИМ КУТАЁТГАН МОЖАРО

Ҳиндистон хавфсизлик қучлари томонидан Кашмир ҳудудида хуфёна фаолият кўрсатувчи айирмачиларнинг бир гуруҳи қўлга олинди. Маълумотларга кўра, жангарилар билан ҳукумат армияси ўртасида тўқнашув бўлиб ўтган. Бир неча соат давом этган отишмада уч нафар ҳинд аскарлари ҳалок бўлган. Жиноятчилар Покистон ҳудудидан кириб келган, деган тахмин илгари сурилмоқда.

Лондонга келган Ҳиндистон ички ишлар вазири Лал Кришна Адвани маҳаллий телевидение орқали Буюк Британия ҳукуматига мурожаат қилиб, Кашмирдаги террорчиларни йўқотиш учун уларнинг молиявий манбаларига тўсиқ қўйишда ёрдам сўради.

Сийсатчиларнинг таъкидлашича, Кашмир можароси қанчалик тез ечилса, минтақада шунча тез тинчлик қарор топади. Аниқлаштиришча, 1989 йилдан буён Кашмир муаммоси туфайли келиб чиққан можароларда олти мингдан зиёд бегуноҳ одам ҳалок бўлган.

## «АРИРАН»

### қўшиғи янграйди

КХДР ва Жанубий Корея ўртасида роса тўққиз ойлик танаффусдан сўнг қайта бошланган музокара бунчалик тез самара беришини башорат қилиш қийин эди.

Сеул учрашуви 1950-1953 йилларда Корея ярим оролида бўлиб ўтган уруш асоратларини ҳам бартараф этаётгани қувончлидир. Уруш натижасида икки давлат ўзаро алоқаларни буткул узганди. Энди КХДР ва Жанубий Корея ҳукуматлари мамлакатлараро темир йўл тизимини тиклашга келишиб олди.

Бундан ташқари, алоқаларни қайта тиклашда спорт соҳасидан ҳам фойдаланилмоқда. Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилажак Осиё ўйинларида Шимол-Корея спортчиларининг қатнашуви кўзда тутилган. 7 сентябрь куни сўнгги 12 йил ичида биринчи марта Шимол ва Жануб футбол жамоалари ўртоқлик учрашувини ўтказди. Беллашув аввалида икки давлат мадҳияси эмас, корейсларнинг машҳур «Ариран» қўшиғи янграйди.

# УКРАИНА ЎЗ БАЙРАМИНИ НИШОНЛАМОҚДА

24 август Украинада мустақиллик байрами сифатида кенг нишонланади. Шу муносабат билан «Туркистон-пресс» мухбири Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Анатолий Касяненко билан суҳбатлашди.

— Украина халқи ва давлати яқинлашиб келаётган миллий байрамни ташқи ва ички сиёсатда, иқтисодий соҳасида қандай ютуқлар билан қаршиляпти?

— Кейинги ўн бир йил ичида халқимиз иқтисодий-иқтисодий, сиёсий янгиланиш борасида машаққатли йўлни босиб ўтди ва ҳозирги кунда нафақат халқаро майдонга чиқиб олди, балки Европа интеграциясига қўшилиб кетди, дея ишонч билан айта оламиз. Мамлакатимиз аҳолиси ҳам халқаро интеграция ривожланишининг гарови эканлигини тўла англаб етдилар.

Кейинги йилларда Украина иқтисодиёти сезиларли даражада ўсди. Масалан, ўтган йили ялпи даромад ҳажми 9,1 фоизга, саноат ишлаб чиқариши 14,2 фоизга, қишлоқ хўжалиги 9,9 фоизга ортди. Иқтисодий ўсиш иқтисодиёт сифат кўрсаткичларининг ривожланиши ва тузилмавий силжишларга олиб келмоқда. Ривожланишнинг инвестицион моделига ўтиляпти, ички бозор кенгаймоқда. Ҳақ билан бери аҳоли даромадлари ортмоқда, ишсизлик, иш ҳақларини

тўлашда узилишлар камаймоқда. Меҳнат учун тўланадиган пенсиялар бир ярим баравар ортди. Эндиликда ялпи ички маҳсулот миқдорини 5-6 фоизга ошириш вазифаси турибди.

— Мана уч йилдирки, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётиш ва шу давр ичида Сизнинг фикрингизча, мамлакатларимиз ўртасида алоқалар қандай даражада ривожланди?

— Икки томонлама ҳамкорлик ҳақида гапирар эканмиз, Украина ва Ўзбекистон ўртасида мамлакатлар миллий қонунчиликларини назарда тутиб тузилган ўзаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий базасининг тўла яратилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Эркин савдо, инвестицияларни жалб этиш ва уларни ҳимоялаш, даромадлар ва мулкнинг икки ёқлама солиққа тортилишига барҳам бериш тўғрисидаги ҳукуматлараро шартномалар ўзаро ҳамкорликнинг муваффақиятли олиб борилишида муҳим омил бўлмоқда.

Украина ва Ўзбекистон саноат корхоналари ўртасида ўзаро алоқалар ҳозирги шароитларни ҳисобга олган ҳолда қайта тикланмоқда. 2001 йил якунларига кўра Украина Ўзбекистон билан савдо соҳасидаги ҳамкорликда Россия ва Корея Республикасидан кейинги ўринни эгаллаб турибди.

Украина Президенти Л. Д. Кучманинг Ўзбекистонга расмий ташрифидан сўнг мамлакатимиз ишбилармон доираларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқишлари ортди. Украинага жавоб ташрифи ҳам бўлди. Натижалар эса кўриниб қолди. Ҳозирда Ўзбекистон билан транспорт машинасозлиги, электротехника саноати, рангли металлургия, нефт-газ маҳмуи соҳаларида ҳамкорлик қилиш учун бир қатор лойиҳалар устида иш олиб бориляпти. Галдаги вазифа ушбу лойиҳаларни тезроқ амалга оширишдан иборат.



Бугунги Харьков.

## ХІХ АСРДА РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ЭДИ



Европадаги Ла-Манш бўғозининг тагидан ўтувчи сув ости тоннели ҳозирда Буюк Британиянинг Фолкстон ҳамда Франциянинг Кале шаҳарларини бирлаштириб туради. 49,94 километр узунликка эга бўлган ушбу «Шаннель» тоннелини қуриш 1987 йилнинг декабрь ойида бошланиб, 1990 йилнинг декабрь ойида тугатилган.

Унинг расмий очилиш маросими 1994 йилнинг 6 майида бўлиб ўтди. Рекордлар китобидан жой олган бу сув ости йўлини Франция президенти Франсуа Миттеран ва мелика Елизаветта II очиб берганди.

Унинг қурилишига 17 миллиард доллар сарф этилган. 7,6 метр диагональ айланани ташкил этган темир йўллар мажмуини қуриш режаси XIX асрдаёқ кўтарилган эди.

## «ҚАНОТЛИ» МАШИНА



Автопойгаларда ғоят катта тезликда бораётган машиналарни кузатиш ниҳоятда завқли. Пойгачилар автомобилда дастлаб қачон ва қаерда товуш тезлигидан ўзишган?

Гиннес рекордлар китоби далолат беришича, илк бор инглиз пойгачиси Энди Грин товуш тезлигини ошириб ўтган. Иккита реактив двигател ўрнатилган «Формула-1» пойга машинасининг тезлиги 1227,985 километргеча етган. Бу рекорд 1997 йилнинг октябрида Невада штатида амалга оширилган.

## ЖАРИМАНИНГ АНТИҚА ТУРИ

«Жарима тўлаш» деганда ҳаммамизнинг миямизга бир фикр келади. Яъни бирор бир ноҳўя ҳаракат туфайли тўланган пул маблағи. Ганада жариманинг антиқа тури мавжуд экан. У ерда хотин ҳам, эр ҳам қайнона-қайнотасиникига боришлари асло мумкин эмас. Чунки, улар қайнотасини ёки қайнонасини кўриб улар билан гаплашгудек бўлсалар наҳд жарима ундирилар эканда.

Шунга ўхшаш урфлар мавжуд Сомалида эса, қайнонани кўриш гуноҳи азим саналар экан.

## ЗАҲАРМИ, ЗАҚҚУМ?

Стокгольм университетининг биокимёгарлари ўтказган тадқиқотлар чипси, гамбургер ва фри картошкасида канцероген модда — акрламид ниҳоятда кўплигини исботлади. Чунончи, чипсиларда тиббиёт рўхсат этганидан 500 баробар кўп канцероген мавжуд. Фри картошкаси ва гамбургерларда эса, бу кўрсаткич 100 баробар кўп.

Зарарли моддаларга ғоят бойлигига қарамастан, бу «неъматлар»ни таққиллаш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Ҳатто, уларни мунтазам истеъмол қилиш инсон соғлиғига нечоғлик таъсир кўрсатиши тиббий жиҳатдан ўрганилмаган ҳам. Улардан касалланиш ҳисоби ҳам юритилмайди. Акрламиднинг соғлиққа таъсирини ўрганиш билан боғлиқ тажрибалар фақат ҳайвонлар устидагина ўтказилган.

# ЯНГИ ОЙ ЧИҚҚАН КЕЧА

Қатра

Яна янги ой чиқди. У бор гўзаллигини оламга намоян эта бошлади. Унинг мафтункор ҳуснига боқар эканман, эзгуликка ташна ошуфта дилни нурли хиссиётлар қамраб олди. Янги тушган маъсум келинчақка ўхшатдим уни. Келинчақнинг лоладек ёноқлари, юзлари

ойдан ранг олганмикан ёки ой ўз гўзаллигини келинчақнинг ол ёноқларидан олганмикан?!

Эмишки, ўзга хонадонга келин бўлиб тушган қизалоқ ўзи билан бирга бу хонадонга бир дунё латофат, ибод, меҳр-оқибат, гўзаллик, садоқат, ҳалоллик, поклик хислат-

ларини олиб келар экан. Шунинг учун ҳам боболаримиз, момоларимиз келинчақнинг илк ташрифини «Қадамнинг қутлуғ бўлсин, болам!» дея кутиб олишаркан.

Янги ой чиққан кеча мен учун ана шундай қувончли, муқаддас кундир. Чунки, шу кечада қилинган барча яхши

ниятларимиз, тилаklarимиз ижобат бўлар экан. Кўкка термулиб, Ўзбекистондек азиз, жаннатмакон юртимга тинчлик-хотиржамлик, халқимга, юртдошларимга соғлиқ-саломатлик, фарзандларимга эса инсоф ва диёнат, поклик ва ҳалолликни сўрайман. Кўнгли, юраги тоза инсонлар юртимизда кўпаяверсин. Кўнгли қора, ёвуз ниятли кишиларга ўзи инсофу тавфиқ берсин.

Ташрифинг муборак бўлсин янги ой!

Раъно ҲОЛИҚОВА.

## Bolalik bog'i

### KICHIK XO'JA NASRIDDIN

*Kichik xo'ja Nasriddin, Keldi bayram sayliga. Ko'pni shodon kuldirdi, Qarab ko'ngil mayliga.*

*Obdon qarab, tikilib, Maydondagi ommaga. Xo'tikchasi aqli, Salom berdi hammaga.*

*So'ng qo'shig'in boshladi, Go'yo qutlab hammani. Nasriddin latifadan, Xo'p kuldirdi ommani.*

Abdusamad YUNUSOV.

## Ўқувчиларга ТУҲФА

Мустақилликнинг 11 йиллик байрами арафасида Зангиота туманидаги «Наврўз» ширкат хўжалиги бошланғич синф ўқувчиларига катта туҳфа ҳазирламоқда.

Қатортол қишлоғидаги 15-ўрта мактаб учун 320 ўринли кўшимча бино қуриб битказилди. Спорт мажмуи, мини футбол майдони ҳам барпо этилди.

Бу қурилишга 500 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ободонлаштириш ишларига «Зангиота», «Бўзсув», «Эркин» ва Навоий номли ширкат хўжаликлари кўмаклашапти.



## УЛКАН ШОДИЁНАГА ҚИЗГИН ҲОЗИРЛИК

Яна бир неча кундан сўнг мамлакатимизнинг бош тантаналар майдони — Мустақиллик майдонида истиқлолимизнинг ўн бир йиллиги кенг нишонланади. Бу улуг айём кунига республикамизнинг бошқа жойларидан келган санъаткорлар қатори вилоятимиз вакиллари ҳам қизгин тарадуд кўришапти.

— Шундай катта тантанада биринчи марта қатнашяпман. Шунинг учун жуда ҳаяжонданман, — дейди Ангрен техника коллежи талабаси Сабоҳат Равшанова. — Бундай шарафга эришиш ҳар бир ўзбекистонлик учун катта бахт. Лекин шу билан бирга у киши зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди. Ахир миллионлаб ватандошларимиз ойнаи жаҳон қаршисида ўтириб биз-

ни томоша қилишади. Мақсадимиз чиқишларимизни манзур этиш, ҳаммаларига байрамона кайфият улашиш. Биз дугоналар барчамиз, жумладан, мен ҳам мустақиллигимизнинг ўн икки йиллигини шу ерда нишонлашни ният қилиб қўйдик.

**СУРАТДА:** вилоятимиз ёш санъаткорлари байрамга тайёргарлик кўраётган пайт.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



## Танлов МАЙРАМХОН ГОЛИБ

Оҳангарон тумани маданият уйида «Йилнинг энг яхши кутубхоначиси» кўрик-танлови бўлиб ўтди.



Беллашув иштирокчилари болалар кутубхоначилигидаги янгиликларни ҳаётга жорий этиш, китоб фондиди бадий адабиётлар билан тўлдириш ҳақидаги шартларга батафсил жавоб бердилар.

Танловда Қорахитой қишлоқ кутубхоначиси Майрамхон Турғунова голиб деб топилди. Энди Майрамхон оҳангаронлик кутубхоначилар номидан вилоят босқичида қатнашади.

Кўрик-танлов иштирокчилари туман ҳокимлигининг Фахрий ёрлиғи ҳамда танлов ҳомийларининг эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Дано РУСТАМОВА.

## Sport

### ЗАФАРЛИ ЮРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилаётган 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон шахмат олимпиадасида ҳамюртларимизнинг зафарли юриши давом этмоқда.

Мусобақанинг биринчи турида Сингапур терма жамоасини 4:0 ҳисобида доғда қолдирган ўзбекистонликлар иккинчи учрашувни турнирнинг ўтган йилги голиби Украина шахматчиларига қарши ўтказди. Кескин ва муросасиз кечган бу баҳсда 2:2 ҳисобида жанговар дуранг қайд этилди. Шахматчиларимиздан


Антон Филипов ва Абдуҳаҳд Кўчқоров ўз рақибларини енгган бўлса, Тимур Гареев ҳамда Фурқат Имомов уйинни бой берди.

Учинчи турда терма жамоамиз аъзолари вьетнамлик тенгдошларига қарши дона суриб, 3:1 ҳисобида галаба қозонди. Вакилларимиздан А. Филипов, А. Кўчқоров ва Х. Турдалиев рақибла-

рига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Бироқ шахматчимиз Т. Гареев вьетнамлик рақибига ютказиб қўйди.

Ўзбекистон терма жамоаси уч тур якунларига кўра мусобақада етакчилик қилмоқда. Спортчиларимиздан А. Филипов, А. Кўчқоров ва Х. Турдалиев ўтказилган учрашувларда ҳали бирор марта ҳам енгилгани йўқ.

**Зоҳир ТОШХУҲАЕВ, ЎЗА мухбири.**



**ТОШКЕНТ HAQIQATI**  
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

Муассис  
ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИ  
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир  
Фатҳиддин  
МУҲИДДИНОВ

Шифонлар:  
Хатлар ва оммавий  
ишлар бўляги: 133-40-48.  
Эълолар:  
133-70-10, 136-53-80.

Манзилимиз:  
700000, Тошкент  
шаҳри, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
матбуот қўмитасида 8 рақами  
билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати»  
тахририяти компьютер  
марказида торилди ва  
созилган.

• Эълон ва билдирув-  
лардаги факт ҳамда да-  
дилларнинг тўғрилиги учун  
реклама ва эълон берув-  
чилар масъулдир.